

Дўстларнинг ҳаммаси ҳам бир хилда бадавлат бўлавермайди



09:00 / 27.05.2022 3272

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Маккада Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг уйига тонгда ёки кечқурун бориб турадиган одатлари бор эди. Кунларнинг бирида одатларига хилоф ўлароқ пешин вақтида кириб келдилар. Абу Бакр розияллоҳу анҳу зийрак киши эди. Буни англаб ўзига-ўзи: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бу соатда бекорга келмаганлар. Бирор иш бўлса керак!», деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

- Эй Абу Бакр! Ҳузурингдагиларни ташқарига чиқар!

Абу Бакр розияллоҳу анҳу деди:

- Эй Аллоҳнинг Расули! Булар қизларим Асмо билан Оиша!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

- Менга чиқиш(ҳижрат) учун изн берилди!

- Ҳамроҳликми эй Аллоҳнинг Расули?!

- Ҳамроҳлик эй Абу Бакр!

Абу Бакр розияллоху анху деди:

- Эй Аллоҳнинг Расули! Менда иккита туя бор. Уларни чиқиш учун тайёрлаб қўйган эдим. Улардан бирини олинг!

- Уни пулга оламан. Ўзимники бўлмаган туяни минмайман!

- У сизники!

- Йўқ. Уни сотиб олган пулингга оламан!

- Истасангиз пулига!

Аслида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан Абу Бакр розияллоху анху ўрталарида алоқа бунчалик расмий эмас эди. Дирҳам ва динар билан бунчалик ҳисоблашишмас эди. Аксинча, Абу Бакр розияллоху анху молини ҳам, жонини ҳам Набий алайҳиссаломга фидо қилиб юборган эди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам унинг молидан ҳеч машаққатсиз олаверар эдилар. Бунга Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг вафот қилишларидан бир неча кун олдин айтган қуйидаги гаплари далил бўлади:

«Мен учун суҳбати ва моли борасида энг ишончли киши Абу Бакрдир!».

Ана шунинг учун ҳам фақиҳлар ва сийрат уламолари Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг туянинг пулини беришга бунчалар қаттиқ уринганларидан ҳайратда қолишади. Улар қизиқ бир фикрни айтишган: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам ҳижрат ва жиҳод фазилатини мукамал қилиб олиш учун ҳижратлари ўз жонлари, ўз моллари билан бўлишини истадилар!».

Аслида дўстлар ўзаро бир-бирларига яхшилик асосида алоқа қилишади. Улар орасидаги ҳисоб-китоб худди савдогар ва унинг мижози ўртасидаги муомала каби қоғоз ва қалам билан бўлмайди. Ҳамроҳлик хулқида эга бўлиш учун инсон дўстининг ҳолини ҳис қилиши лозим. Агар дўстининг муҳтожлигини билиб қолса ёки унинг бошига кулфат тушиб қолганини сезиб қолса, дўсти ундан ёрдам сўрашидан аввал дарров ўзи ёрдамга шошилиши лозим. Агар дўсти ёрдам сўраганидан ёки қарз сўраганидан сўнг унга ёрдам қилса, энди қарзнинг бир қисмидан кечиш дўстлик ва макорими ахлоқнинг гўзал бир кўриниши бўлади!

Аммо дўстлар ҳақларини мукамал ҳолатда адо қилиб юришса бу ахлоққа зид иш бўлмайди. Дўстларнинг ҳаммаси ҳам бир хилда бадавлат

бўлавермайди. Дўстнинг ўз дўстига ёрдам бериши, унинг ғамини кетказиши унинг асл инсонлигига далолат қилади. Эҳсон қилиш ва яхшилик қилиш эса хулқларнинг саййиди бўлиб қолаверади!

Абдулқодир Полвонов